КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 100 (5449).

22 МАЙ ПАЙШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

БАМ—ТИНДА ТЕМИР ЙЎЛИ ЛИНИЯСИ ҚУРУВЧИЛАРИ, МОНТАЖЧИЛАРИ, ЛОЙИҲАЧИЛАРИ, ИШЛАТУВЧИЛАРИГА, ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА, ҚУРИЛИШНИНГ БАРЧА ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Байкал-Амур темир йўл магистралининг кўпдан-кўп қурувчи отрядларидан бири — сизларни дастлабки меҳнат ғалабаси — кимсасиз тайга ўлкасининг мураккаб шароитларида БАМ—Тинда темир йўл линиясидаги катта ҳажмда қурилиш ишлари барвақт бажарилиши ҳамда поездларнинг иш билан қатнови белгиланган муддатдан беш ой илгари бошланиши билан қизғин табриклайди.

Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабасининг 30 йиллигини нишонлаш юзасидан кенг кўламда авж олдирилган социалистик мусобақа, ишчилар ва инженер-техник ходимлар оммавий жасорат ва меҳнат қаҳрамонлиги кўрсатганликлари, партия, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг катта сиёсий ва ташкилотчилик ишлари туфайли бундай муваффақиятларга эришилди.

Янги линияда қатнов бошланиши катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга, Байкал-Амур темир йўл магистралини қуриш борасидаги ишларни янада авж олдириш, Сибирь ва Узоқ Шарқ табиий бойликларини тезроқ ўзлаштириш учун шароит яратади.

КПСС Марказий Комитети Байкал-Амур темир йўл магистрали қурилишининг комсомоллари ва ёшлари, барча қатнашчилари халқимизнинг шонли меҳнат анъаналарини кўпайтириб, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бундан буён ҳам шараф билан бажарадилар, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

Л. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ— АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси Абдуқодир МЕЛИБОЕВ билан суҳбат

Бизнинг колхоз районда иқтисодий ва ҳосилдорлик жиҳатидан қолоқ хўжалик ҳисобланар эди. 1973 йилда ҳар гектар ердан олинган пахта 21 центнерга тушиб қолди.

Колхозимиз меҳнаткашлари ана шу қолоқликдан чиқиш, илғор хўжаликлар даражасига етиб олиш учун яқдил бўлиб, астойдил меҳнат қила бошладилар. Илгари йўл қўйиб келинган камчиликларни бартараф этиш, тузуқроқ, сифатлироқ ишлаш учун кураша бошладилар. Ҳосилдорликни ошириш учун зарур тадбирлар кўрилди.

Илгари колхозимиздаги мавжуд ерлардан самарали фойдаланиш даражаси паст, кўпчилик ерларни ёввойи ўтлар, айниқса ажриқ босиб кетган эди. Албатта, бундай ерлардан юқори ҳосил олиб бўлмасди. Ёввойи ўт, ажриқ босиб ётган ана шундай ерлар чизель қилинди. Ажриқ илдизлари териб ташланди. Бизда ер ости сувлари жуза юзада бўлганлигидан мелиорация тадбирлари амалга оширилди. Давлатнинг ёрдами билан 400 метр узунликда ёпиқ дренаж қилинди.

Ердан, сувдан, минерал ўғит ва техника воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида зарур чоралар кўрилди. Агротехника қоидаларига яхши риоя қилиниб, иш олиб борилди. Кўрилган ва амалга оширилган дастлабки тадбирлар ўтган йили маълум натижасини берди. Ҳосилдорлик кўтарилди. Ўтган йили 1630 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан ҳосил олинди.

Бултурги ишимиз олдинги йилдагига нисбатан бир мунча яхши бўлса ҳам, аммо бу бизни қаноатлантирмасди. Илғор хўжаликлар ва район даражасига етиб олиш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз, яна ҳам яхшироқ ишлашимиз зарурлигини билардик.

КПСС XXV съездини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олишга аҳд қилган азамат колхозчиларимиз тўққизинчи беш йиллик-нинг охирги йилида умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, пахта ҳосилдорлигини 32 центнерга етказамиз, деб астойдил бел боғладилар. Бу албатта ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун айниқса ердан самарали фойдаланиш, тўла гектарлар ҳосил қилиш зарур. Шу мақсадда бу йил колхозимиздаги майда карталар йириклаштирилди. Зовур четларига тупроқ уйилиб, экин экилмай ётган ерлар текисланиб, экинзорларга айлантирилди. Баъзи карталар яхши текисланмаганлиги учун қайта капитал планировка ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, деҳқончилик маданиятини ошириш учун кураш олиб борилди.

Ўтган йили колхозимизда эришилган дастлабки бурилиш гарчанд юқори бўлмаса ҳам колхозчиларимизда астойдил ҳаракат қилинса, белгиланган тадбирлар тўла-тўкис ва изчиллик билан амалга оширилса, қувончли натижаларга эришиш мумкин экан, деган ишонч пайдо бўлди. Шунинг учун колхозчиларимиз бу йил ҳар қачонгидан ҳам зўр ҳавас билан меҳнат қилмоқдалар.

Ўтган йилга нисбатан ҳосилдорлик 4,5 центнер оширилади. Бунинг учун конкрет, амалий тадбирлар кўрилиши лозим. Биринчи навбатда колхозимизда яхши натижага эришган бригадаларнинг иш тажрибалари оммалаштирила бошланди.

Бултур Ҳолдор Тўйчиев бошлиқ бригаданинг 160 гектар ердан ўрта ҳисобда 31 центнердан ҳосил олинди. 90х7 схемасида чигит экилган 30 гектар ердан эса 40 центнердан ҳосил етиштирилди. Демак, кейинги усулда чигит экиш яхши натижа берди. Шуни ҳисобга олиб, бу йил колхоз бўйича 900 гектар ерга 90х7 схемасида, қолган ерларга эса 60х15 схемасида чигит экилди. Ўтган йили ҳар гектар ерда 90—95 минг туп кўчат бўлишига эришилган бўлса, бу йил ўрта ҳисобда 120—125 минг кўчат ўстирамиз.

Бизда ҳали алмашлаб экиш тўла жорий этилмаган. Лекин бу йил 115 гектар канап, 156 гектар эски беда ва 100 гектар маккажўхори экилган ерга алмашлаб чигит экилди.

Юқорида кўрсатилганидек, бизнинг колхозда тўлиқ гектар учун кураш яхши олиб борилмаган. Зовурлар ва карта четларидаги талайгина ерлар, эски ариқларнинг ўрнидаги кўпгина майдонлар беҳуда қолиб кетаверган. Ана шундай ерлар, тупроқ уйилиб ётган зовур четидаги жойлар бульдозер билан сурилиб текисланди. Бундан ташқари, карта ўрталаридаги экинга халақит берадиган дарахтлар кесиб ташланиб, майда карталар йириклаштирилди. 60—70 гектарлик карталар юзага келтирилди.

Биз етиштириладиган пахта ҳосилини кўпайтириш билан бирга таннархини ўтган йилга нисбатан уч-тўрт сўм камайтириб, 30—31 сўмга келтириш учун ҳаракат қилаяпмиз. Бўладиган ҳар хил сарф-харажатлар мумкин қадар камайтирилянти. Масалан, чигит экиш даврида ҳар гектар ерга 100—120 килограмм ўрнига 45 килограммдан чигит сарфланади.

Пахтанинг таннархини камайтириш, терим машиналарининг унумли ишлашига ҳам боғлиқ. Бир тонна пахта қўлда терилса 50 сўм сарфланади. Машина билан терилганда 6—7 сўм ҳаражат бўлади. Шунинг учун машиналарнинг иш унумини ошириш асосий масаладир. Бултур бир машина билан ўрта ҳисобда 100 тоннадан пахта терилди. Бу йил эса механизаторларимиз ҳар бир машина билан 120 тоннадан пахта теришга аҳд қилдилар.

Илгари ғўза самолёт билан дефолнация қилинарди ва ҳашаротга қарши дори сепиларди. Ғўза самолёт билан дефолнация қилинганда ва дори сепилганда катта маблағ сарфланишига қарамай ишнинг сифати кўнгилдагидек бўлмасди. Энди биз ОВХ-14 билан дефолнация қилишга, ҳашаротга қарши дори сепишга ўтиб олдик. Бунда дефолнацияни ҳам, ҳашаротга қарши дори сепишнинг ҳам сифатли бўлишига эришилмоқда. Шу билан бирга сарф-харажатлар кескин камайди. Шу каби йўллар билан биз пахтанинг таннархини камайтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Пахтачиликда энг масъулиятли давр келди. Чунки бу йилги обҳаво шароитида ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда кўчат бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу кеча-кундузда азамат колхозчиларимиз ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб, ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар. Ҳамма майдонларда ғўза яганадан чиқариб қўйилди.

Тўқкизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида колхозимиз меҳнаткашлари ўз мажбуриятларини шараф билан бажариш учун астойдил меҳнат қиладилар.



Мастер Матлуба Ҳожиева (чапдан), тўқувчи Озода Хўжаева, технолог Мунаввар Мўминовалар Тошкентдаги «Малика» трикотаж фирмаси ип ўраш цехининг илғорлари ҳисобланишади. Улар кам сарф билан кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйнча яхши натижаларни қўлга киритишаяпти.

А. Тўраев фотоси.

* *

Тошкент «Компрессор» заводининг зарбдор ишчиси Собир Расулов 30 йилдан буён шу коллективда меҳнат қилиб келмоқда. Бу илғор слесарь йиллик топшириғини ўн ойда бажариш юзасидан социалистик мажбурият олиб ишламоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.



САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистонда республика Олий Совети депутатлигига номзодлар билан сайловчиларнинг учрашуви бошланди.

Алимкент пахта тозалаш заводининг клубида 71-**Алимкент** сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган Оққўрғон районидаги Ленинобод колхозининг бригада бошлиғи **Пўлат Тошхўжаев** ўз сайловчилари билан учрашди.

62-**Қурилиш** сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Олмалиқ шаҳридаги «Промтехмонтаж» бошқармасининг слесари **Евгений Тимофеевич Смагин** билан учрашдилар.

Наманган шаҳридаги 240-**Ленин** сайлов округининг сайловчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, Наманганда-ги 5-ўрта мактабининг ўқитувчиси **Тўхтахон Маҳмудова** билан учрашдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 115-**Завод** сайлов округида сайловчилар шу округдан депутатликка номзод Андижон машинасозлик заводининг сайқалчиси **Галина Ивановна Захарова** билан учрашдилар.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИ ҚИЗҒИН

Ўтган йили Сандаҳмад Оҳунов бошлиқ бригада аъзолари баракали ишлашди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 35 центнерданга тўғри келди. Партиямизнинг XXV съездини меҳнат зафарлари билан пишонлаш учун ғайрат қилаётган пахтакорлар эндиликда 40 центнер учун курашмоқдалар.

Бригадада тўла гектарлар ҳосил қилишга барча куч сафарбар этилди. Деҳқонлар ҳар гектар ерга 200 килограммдан минерал ўғит солиб биринчи ишловни тамом қилдилар. Ғўза атрофидаги бегона ўтларни йўқотиш ва культивация намунали йўлга қўйилиши сабабли 165 гектар майдоннинг деярли ҳаммасида ғўзалар беғубор ўсмоқда. Дадажон Ҳақназаров, Шокир Ҳалилов каби сувчилар, Шермат Турдиматов, Йўлдош Сиддиқов каби механизаторлар ғўзанинг тезроқ авж олишини таъмин этмоқдалар. Ҳозир бригадада ғўзаларга иккинчи ишлов бериш қизғин тус олди. Бу ишда сувчилар, механизаторлар, химизаторлар фаол ғайрат кўрсатишмоқда.

Колхознинг Маҳмуджон Ҳалимбоев бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам социалистик мусобақани кенг авж олдириб қатор ораларига ишлов беришни кучайтириб юборишди.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
Янгийўл. «Партия XXI съезди» колхози.

ПИЛЛАКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

БЕКОБОД районининг хўжаликларида пилла топшириш қизғин тус олди. Шу кунларда колхоз ва совхозлардан 25—30 тоннага етказиб пилла қабул қилинмоқда.

Партиямизнинг XXV съездини меҳнат ғалабалари билан нишонлашга аҳд қилган кўпгина хўжаликлар пилла топшириш беш йиллик планини тўрт йилдаёқ ортиғи билан бажариб қўйишди. Пилла топширишда ажойиб ютуқларни қўлга киритаётган 3-«Далварзин» совхозининг коллективи суръатни кучайтириб кеча йиллик планни муваффақиятли бажарди. 6974 ўрнига 7600 килограмм «кумуш тола» етказиб берилди. Ҳар кути уруғдан олинган ҳосил 65 килограммга тўғри келди.

2-«Далварзин» совхози ишчилари 10 тонна пилла топшириб йиллик планни муддатидан олдин ошириб бажардилар. Бу ерда ҳар кути пилла қуртидан ўртача 80 килограммдан ҳосил олинди. Р. Парпиева, А. Мақсудова ва бошқа тажрибали пиллакорлар ҳар кути ипак қуртидан 120—136 килограммдан ҳосил топширмоқдалар.

Пиллакорлар эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни тезда бажариш учун барча куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

ФАРҒОНА, 21 май. (ЎзТАГ). Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Родней Арисменди ва унинг рафиқаси — Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Альсира Легаспи де Арисменди бугун бу ерга келдилар. Фарғона аэропортида меҳмонларни Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Шамсиддинов, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар.

Р. Арисменди билан А. Легаспи де Арисменди В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Фарғона водийсида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қизил гвардиячиларнинг ўртоқлик мозорига гулчамбар қўйишди.

Шу куни меҳмонлар Қувадаги «Коммунизм» колхозига боришди. Улар қишлоқ меҳнатчиларининг ҳаёта ва турмуши билан танишдилар, колхозчилар билан дўстона суҳбатлашдилар. Қува бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари меҳмонларга концерт қўйиб бердилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги ва «Ёш ленинчи» газетасининг 50 йиллиги муносабати билан қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди:

Қориев (Олтой) Бовс — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номли давлат адабиёт музейининг катта илмий ходими.

Қўшоқов Муҳаммаджон — «Ёш ленинчи» газетаси редакцияси қишлоқ ёшлари бўлимининг мудири.

Маркова Людмила Ануфриевна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг ҳарф терувчиси.

Раҳимов Карим — «Ёш ленинчи» редакцияси ишчи ёшлар бўлимининг мудири.

Сироткин Вульф Маркович— «Ёш ленинчи» газетаси редакциясининг фотомуҳбири.

Шоғуломов Рустам Шомуродович — «Ёш ленинчи» газетасининг редактори.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги учун ва «Ёш ленинчи» газетасининг 50 йиллиги муносабати билан республика матбуот ходимларидан бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БУНЁДКОР

Раҳматжон навқирон Ангреннинг шинам ва озода кўчаларида сайр қиларкан, ҳар сафар қалби олам-олам қувонча тўлади. Ҳар бир бино, ҳар бир хиёбон унинг қалбида ифтихор туйғуларини уйғотади. Қадрдон шаҳри кўчаларини кезиб чарчамайди, шаҳар жамолига қараб тўймайди.

Бунинг боиси бор, албатта. Раҳматжон йигирма уч йилдан буён қурувчилик касбида меҳнат қилиб келмоқда. Демак, Ангреннинг бунёд этилиши ва ҳозиргидек мўъжаз шаҳарчага айланишида унинг муносиб ҳиссаси бор.

Раҳматжоннинг одати шунақа: бир нарсадан қаттиқ ҳафа бўлса ёки ҳаётида бирон қувончли воқеа рўй берса, шаҳар кўчалари бўйлаб сайр этади. Бундай пайтларда унинг ҳафаликлари ҳам тарқайди, қувончларини эса гўё одамлар билан баҳам кўради. Бугун ҳам у шундай кайфиятда. Ишни тугатиб, уйига қайтаркан, куни билан дўстларининг, ҳамкасбларининг табриклашлари кўз олдидан нари кетмайди. Тўқкизинчи беш йиллиннинг ҳал қилувчи йилида Раҳматжон Рўзибоевни партия ва ҳукуматимиз Октябрь Революцияси ордени билан тақдирлади. Бу, Ангрен бунёдкорлари пешқадам бригадасининг сардорига берилган олий мукофот эди!..

Юксак мукофотдан руҳланган Р. Рўзибоев ва унинг бригадаси коллективи якунловчи йилда ҳам зарбдор меҳнат қилиб, янада юксак натижаларни қўлга киритишмоқда. Бу комплекс бригада аъзолари шу кунларда гигант корхона—Ангрен резина комбинатининг иккинчи навбати қурилишида актив иштирок этишаяпти.

— Участкамиз «Узбекшахтострой» трестида энг йирик ҳисобланади, — дейди участка бошлиғи В. Викторов. — Биз асосан саноат корхоналарини қурамиз. Қурувчиларимиз бу соҳада анча тажриба орттирган. Ишгирмага яқин корхона қурилишида қатнашганмиз. Пешқадамлар сафидан ўрин олишимизда бригада бошлиқлари ва ишнинг кўзини биладиган мастерларимизнинг хиссаси катта. Раҳмат Рўзибоев шулар жумласидан. Бу йигит аклини қурилишда танигам, десам янглишмайман. Катта коллективга бошчилик қилади. Коммунистик меҳнат коллективи номини олган унинг бригадаси азаматлари ҳамиша байроқдор.

— Қурилишга ўн беш ёшимда келганман, — деб ҳикоя қилади Раҳматжон. — Дастлаб Новгарзон йўл қурилишида ишладим. У ерда бир йил ишлагач мана шу 6-қурилиш бошқармасига келиб, ғишт терувчига шогирд тушдим. Бундан ўн беш йил муқаддам бригада бошлиғи вазифасига тайинландим.

Комплекс бригада ўтган йиллар давомида Ангрен керамика комбинати, Ангрен тоннели, уйсозлик ва резина комбинатларини қуришга муносиб ҳисса қўшди. Коллективда Раҳматжон билан баравар — ўн беш, йигирма йилдан буён қурувчи касбида ишлаб келаётган тажрибали бунёдкорлар бор. Алексей Куприн, Изолхон Темур, Турол Боймуродов, Татьяна Равильковалар шулар жумласидан.

Бригада азаматлари шу кунларда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи асосида ишлашга ўтиш учун тайёргарлик кўришмоқда. Улар ҳозир 1976 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

1976 йил ҳисобига! Вақтдан деярли бир ярим йил илгарилаб кетиш. Бундай юқори кўрсаткичларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, техникадан, ишчи кучидан моҳирлик билан фойдаланиш талаб этилади. Яна энг муҳими — коллективнинг ҳар бир аъзоси билан тил топиша олиш, уларнинг ҳар қайсисига ўзига яраша муомала қила билиш керак. Бригада бошлиғида ана шу хусуниятларнинг барчаси мужассам. Коллективда 22 кишидан иборат турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Улар ҳар йили 260—270 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришмоқда.

Раҳматжон Рўзибоев жамоат ишларида ҳам актив иштирок этади. У Ангрен шаҳар партия комитетининг аъзоси, «Узбекшахтострой» трести партия комитетининг бюро аъзоси, иккинчи қурилиш участкаси халқ назоратчилари группасининг раиси, актив дружиначи ҳамдир.

Раҳматжон Рўзибоев кўп йиллик фидокорона меҳнатлари эвазига бирнеча медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика қурилиш Министрлигининг кўплаб Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

А. ИСОҚОВ.

ЁРҚИН, АДОЛАТЛИ ДЕМОКРАТИЯ

Совет тузумининг ривожланиши, барча жамоат ва сиёсий ташкилотларнинг фаолияти халқ ҳокимияти принципларини ҳаётга тобора кўпроқ сингдиришга қаратилгандир. Бу аввало, Советларнинг роли доимо ошиб боришини кўзда тутади.

Маркс ва Ленин пролетар ҳокимияти вакиллик органларининг характерли белгиларини қайд қилиб, бу органлар буржуазия парламентларидан фарқли равишда иқтисодий, ижтимоий ва маданий процессларга амалий раҳбарлик қилиш юзасидан «ишчи корпорациялари» бўлиб ҳисобланадилар, деб кўрсатиб ўтган эдилар. Социалистик ҳокимият органларининг ана шу характери умумхалқ давлатининг ривожланиши давомида тобора кўпроқ намоён бўла боради.

Халқ ҳокимияти органлари — маҳаллий Советлар партия ташкилотлари раҳбарлигида экономикани юксалтириш, халқ моддий фаровонлигини ошириш, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида жуда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Маҳаллий Советларнинг кўпсонли депутатлари халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва ишга солишда намуна бўлмоқдалар.

Советлар ўз депутатлари, активлари, доимий комиссиялари орқали таъсир ўтказмайдиган бирор соҳа йўқ. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишда эришилган улкан ютуқларимиз: капитал қурилишдаги юксак суръатлар, ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлар, меҳнат унумдорлигининг юксалиши, шаҳар ва қишлоқларнинг обод, кўркам бўлаётганлиги — буларнинг ҳаммасида халқ ҳокимияти органлари фаолиятининг самараси ҳамда уларнинг баракали таъсири кўзгудагидек акс этиб турибди.

Маҳаллий ҳокимият органларига сайланган вакиллар бу катта ишончи сидқидилдан оқлаб келмоқдалар. Советларнинг фаолияти тўғрисида, ўз ишлари ҳақида сайловчиларга мунтазам ҳисоб бериб турибдилар.

Халқ ҳокимияти органларининг ваколати туғаши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми меҳнаткашлар депутатлари республика, область, шаҳар, район, қишлоқ ва овул Советларига шу йил 15 июнда сайлов ўтказиш тўғрисида Фармон қабул қилди.

Советлар ишини активлаштиришнинг муҳим шартларидан бири Советларга ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг энг муносиб вакилларини сайлаб, совет органларини тажрибали, яхши тайёргарликка эга бўлган ходимлар, халқ ишига сидқидилдан хизмат қилишга қобилиятли кишилар билан мустаҳкамлашдан иборатдир.

Маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатадиган коллективлар ва жамоат ташкилотларининг зиммасига катта масъулият юклатилган. Советларга ўз вакилини юборган коллектив ва жамоат ташкилотлари депутатнинг давлат ҳокимияти органларида олиб борадиган иши учун масъулият ҳиссини сезишлари керак. Чунки, Советларга кимнидир сайлаган халқ ёлғиз бир кишигина эмас, балки унинг номзодини кўрсатган коллективга ҳам ишонч билдиради.

Барча гражданларни давлатни бошқариш ишига жалб этиш вазифаси юклатилган умумхалқ давлатида депутатларни сайлаш — кишининг янги ишга ўтиши, унинг жамоат фаолиятида янада юксакроқ поғонага кўтарилиши, деб қаралиши керак. Жамоат ташкилотларининг раҳбар органларига сайлаш вақтида номзоди кўрсатилган кишиларнинг жамоат ишлари соҳасидаги тажрибасини ҳам эътиборга олиш керак.

Маҳаллий Советларга номзодлар кўрсатишда биринчи навбатда, жамиятимизнинг илғор кишиларини, ўзларини меҳнатдагина эмас, балки депутатлик фаолиятида ҳам яхши кўрсата оладиган кишиларни тавсия этиш лозим.

Биз Советлар депутатлигига номзод кўрсатган коллективнинг масъулияти ҳақида ҳам гапирамиз. Бундай масъулият ҳисси коллективни бир мунча жиддий мулоҳаза юритишга мажбур этади, биринчи навбатда сайлов олди йиғилишларида коллективнинг масъулиятини янада оширади. Албатта, ана шу йиғилишларда илғор кишилардан қайси бири Советлар ишида кўпроқ фойда келтириши мумкинлиги тўғрисида мулоҳаза юритсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Коммунистик жамият қурилиши авж олдирилган ҳозирги даврда партия кадрларга хусусан, давлат аппарати кадрларига катта талаб қўймоқда. Чунки бу кадрларга мамлакатнинг барча ресурсларидан тўғри фойдаланиш, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш масалаларини ўз вақтида ҳал этиш каби муҳим вазифалар юклатилган.

1973 йил июнь ойида бўлиб ўтган сайлов якунларидан баъзи бир маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз. Республикамиз бўйича маҳаллий Советларга ҳаммаси бўлиб 86440 депутат сайланди. Депутатларнинг 45,34 процентини КПСС аъзолари ва партия аъзолигига кандидатлар ташкил этади. Депутатларнинг 47 проценти хотин-қизлар, 15,41 проценти комсомоллардир. Депутатлар орасида ишчилар ва колхозчилар 68 процентни ташкил этади. Депутатларнинг 40 процентига яқини янгиланди. Маҳаллий Советларнинг депутатлари состави бир томондан, Советлар ишидаги давомийликдан далолат берса, иккинчи томондан, уларнинг состави доимо янгиланиб бораётганлигидан далолат беради. Бу эса янгидан миллионмиллион меҳнаткашларга давлатни идора қилиш мактабини ўташ имконини беради.

Ўтган йили СССР Олий Совети депутатлигига Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасидан сайланган депутатлар орасида саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳамда новаторларидан 40 киши сайланди. Улар орасида 12 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ва бир неча Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари бор. Депутатларнинг ҳаммаси ўз кучлари, билимлари, иқтидор ғайратларини аямай халқнинг юксак ишончини шараф билан оқламоқдалар.

Сайловларга тайёргарлик партия ва совет органлари учун энг масъулиятли даврдир. Депутатлар ваколат муддати давомида қилинган ишлар ҳақида. Советлар ва уларнинг ижроия комитетларининг фаолиятлари тўғрисида, сайловчилар наказларининг қандай бажарилганлиги тўғрисида уларга ҳисоб берадилар.

Депутатларнинг ҳисоботлари меҳнаткашлар оммасининг давлатни бошқариш ишида иштирок этишларининг формаларидан биридир. Ҳисобот йиғилишларида сайловчилар Совет, унинг ижроия комитети ва депутатнинг ишини муҳокама қилиш ва баҳо бериш имкониятига эга бўладилар, ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини айтадилар.

Совет давлатида ўрнатилган социалистик демократизмнинг асосий принципларидан бири депутатни чақириб олиш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ меҳнаткашларнинг тўла ҳокимиятлигидан далолат беради ва депутатнинг халқ олдидаги чинакам масъулиятини гарантиялайди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, депутатни чақириб олиш ҳуқуқи буржуазия давлатларининг конституциялари ва қонунларида тутилмаган. Буржуазия демократияси давлат ишларини юритиш учун «чақириб олиш» ҳуқуқини беради, лекин у сайланган кишини чақириб олишга ҳуқуқ бермайди. Бу эса буржуазиянинг лўттибозлигидан бири бўлиб, сайловчиларни, ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонлар омасини депутатлар устидан чинакам контроль қилиш ҳуқуқидан маҳрум этади. Буржуазия парламенти депутатнинг сайловчиларга тобе бўлмаслик принципини кўзда тутади. Бунинг учун шундай сабаб келтиришади: депутат уни парламентга вакили эмас, балки бутун халқнинг, бутун миллатнинг вакили, деган даъвони қиладилар. Шунинг учун сайловчилар депутатлар билан яқиндан муносабатда бўлолмайдилар, депутатнинг фаолияти тўғрисида ундан ҳеч қандай ҳисобот талаб қилолмайдилар, сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган ўз вакилини чақириб олиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўз-ўзидан тузила бошлаган ишчилар ва деҳқонлар Советлари ўша вақтдаёқ сайлаш ҳуқуқи ва ўз вакилини меҳнаткашлар томонидан чақириб олиш ҳуқуқини бирга қўшиб олиб боришни амалга оширган эди. В. И. Ленин Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг мажлисида чақириб олиш ҳуқуқи тўғрисида 1917 йил 21 ноябрь (4 декабрь)да: «Ҳар бир деҳқон Советга вакиллар юбориш билан бирга, бу вакилларни чақириб олишга ҳам ҳақлидир. Советларнинг энг чинакам халқчиллик маъноси ҳам худди ана шундадир» деб айтган эди. (В. И. Ленин, Асарлар, 26-том, 348-бет).

Коммунистик партия Советларнинг ролини ошириш, Совет социалистик демократиясини ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда. КПСС XXIV съезднинг бу ҳақдаги кўрсатмаси изчиллик билан амалга оширилаётир. Меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатлигига статуси ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши бунинг ёрқин далилидир. Бу Қонун Советларнинг халқ хўжалигини бошқариш ва ривожлантиришдаги ролини муттасил оширишга, депутатларнинг активлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Депутатлар статуси халқ вакилларининг ҳуқуқ ва бурчларини аниқ белгилаб берди. Шу билан бирга депутатлар нуфузи ва обрўсини, ташаббускорлиги ва таъсирини оширди.

Капиталистик мамлакатларда депутат халқ олдида жавоб бермайди. Бунга қарама-қарши ўлароқ совет депутати халқ хизматкорлари бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда депутатлар профессионал парламент аъзолари бўлмай, балки уларнинг асосий иши корхоналарда, колхоз ва совхозлардадир. Улар ўзларининг депутатлик функцияларини жамоатчилик асосида бажармоқдалар. Совет депутатининг характерли фазилати шундаки, у омма билан мустаҳкам алоқада бўлиб, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига диққат ва эътибор билан қарайди. Халқ томонидан яратилган янгиликни, ташаббусни ўз вақтида қўллаб-қувватлайди, бюрократизмга, сансалорликка, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига эътиборсизлик билан қарайдиган кишиларга нисбатан кураш олиб боради.

Сайлов кампанияси кундан-кунга қизғин тус олмоқда. Бу кампаниянинг намунали ўтиши ташкилий-техник тайёргарликнинг нақадар пухталигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Сайлов тўғрисида Низомга мувофиқ, сайлов округлари ва участкалари тузиш, сайлов комиссияларига тажрибали кишиларни қўйиш, сайловчилар рўйхатини вақтида тузиб чиқиш — бу ишларнинг ҳаммаси партия ва совет ташкилотларининг диққат марказида бўлмоғи зарур.

Советларга сайловлар ғоят масъулиятли сиёсий кампаниядир. Партия ташкилотларининг вазифаси ҳамма жойда сиёсий агитация ишларини кучайтиришдан, унинг таъсирчан, самарадор бўлишига эришишдан иборат. Ленинча идеалларни кенг пропаганда қилиш, совет демократиясининг афзалликларини, коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини тушунтириб бериш —агитация ишларининг асосий мазмуни бўлмоғи керак.

Агитация ишларида сайловчиларнинг масъул секретари вазифасида ишладим. Шу ерда биринчи бор қўлимга қурол олиб босмачиларга қарши жангларда иштирок этдим. Эшонқулбек ва Маматқул Шапак босмачи шайкаларини йўқ қилиш учун кеча-кундуз тинмай кураш олиб бордик ва бу тўдаларни йўқ қилишга муваффақ бўлдик.

Тошкентдаги 11-«Висотстрой» трести 69-қурилиш бошқармасининг илғор монтажчиси Абдуваҳоб Тўлаганов ўз ишининг устаси сифатида довруғ қозонган. У ҳозирги кунларда 1977 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига меҳнат қилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Тошкент метроси қурилиши жадал суръатлар билан давом этмоқда. Метросозлар белгиланган ишларни муддатидан олдин бажариш учун барча имкониятларни сафарбар этишяпти. Суратда: (чапда) Ҳамза станцияси қурилишида, (ўнгда) «Ташметрострой»нинг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси электр пайвандчилари Василий Панов ва Михаил Мажорнилар.

Ж. Тўраев фотоси.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДАН ХАТЛАР

Келгуси йил 24 февралда КПССнинг XXV съезди очилади. Совет Иттифоқи коммунистларининг бу улкан анжуманига қизғин тайёргарлик бораётган ҳозирги даврларда ҳар бир партия ташкилоти ўз фаолиятини пухта таҳлил этиши, партиявий ташкилий ишларда қандай ютуқларга эришилди-ю, қандай имкониятлар бой берилди. Ана шу ҳақда ўйлаб кўриши керак. Партиявий ишнинг услуб ва методларини такомиллаштириш учун нималарга эътибор бериш лозим. Бу албатта, партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини ошириш, коммунистларнинг активлигини кучайтиришга боғлиқдир.

Қуйида айрим бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг шу муносабат билан ёзган мактубларини эълон қиламиз.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Колхозимиз партия ташкилоти ҳисобида 113 коммунист бор. Уларни 7 цех партия ташкилоти ўз сафига бирлаштирган. Коммунистларнинг аксарияти бевосита моддий бойлик яратиш билан банддирлар. Улардан 11 киши пахтачилик бригадаларига бошчилик қилади, 50 киши эса механизатор.

Биз ўз фаолиятимизда коммунистларга топширилган иш учун масъулият ҳиссини тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ёш коммунист Файзинисо Қўзиева икки йилдан буён колхознинг комплекс механизациялашган бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. У меҳнатда, интизомда, жамоат ишларида ўрнак бўлмоқда. Утган йили 200 тонна пахта терди.

Файзинисо 1-участка цех партия ташкилотчининг секретари сифатида ҳам деҳқонлар ўртасида ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда.

Шунингдек, коммунистлардан Эгамқул Назаров, Анорбой Қурбонбоев ўртоқлар бошлиқ бригада коллективлари ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Коммунист Қўшбоқ Эгамбердиев колхоз ишлаб чиқаришининг актив ташкилотчиларидан. У қарийб 10 йилдан бери пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эгамбердиевни ҳамқишлоқлари донгдор, ташаббускор коммунист сифатида ҳурмат қиладилар.

Биз ана шу сингари илғор коммунистларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга, уларнинг мисолида одамларни тарбиялашга аҳамият бермоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг «Тамбов область партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи» тўғрисидаги қарорида ғоят муҳим масала кўтариб чиқилди. Очиғини айтганда, бизда ҳам кўп ҳолларда йиғилишлар «силлиқ» ўтади. Докладчидан сўнг доимо уч-тўрт нотиқ сўзга чиқади. Улар ўз ишлари ҳақида сўзлаб, минбардан тушиб кетардилар.

Мажлисларда ҳар бир коммунистнинг ўз бурчига қандай муносабатда бўлаётганлигини, топшириқни қандай бажараётганлигини атрофлича таҳлил этиш керак. Ана шунда уларда масъулият ҳисси кучаяди. Биз бундан буён партия мажлисларини тайёрлашга ижобий муносабатда бўламиз. Мажлиснинг қизғин ўтиши кўп жиҳатдан докладга боғлиқ. Агар доклад танқид ва ўз-ўзини танқид асосида тузилган бўлса, у қизғин муноза ранинг бошланишига сабабчи бўлади. Бунинг учун эса докладни активларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш лозим.

Биз бу йил ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганмиз. Ҳар бир деҳқон ҳар бир касб эгаси, ҳар бир коммунист масъулиятни тўла ҳис қилган тақдирдагина бу вазифани бажариши мумкин.

П. РИСБОЕВ,
Бекобод районидаги «Победа» колхози партия ташкилотининг секретари.

АТЕИСТИК ТАРБИЯНИНГ САМАРАДОРЛИҒИ УЧУН

Коммунистик жамият қуришнинг асосий вазифаларидан бири меҳнаткаш халқ оммасини юксак ғоявийлик, онглилик, халқ ишига садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир. Бунда атеистик тарбия алоҳида аҳамият касб этади. Партия ташкилотимиз қошида илмий атеизмни пропаганда қилувчи методик совет тузилган. Советга малакали ўқитувчилар, партия, совет касаба союз, комсомол ходимлари уюшган. «Билим» жамияти бошланғич ташкилотига 19 лектор аъзо.

Колхоз территориясида 546 хонадон бор. Ҳар бир хонадонда телевизор, радио мавжуд. Колхозчилар 1975 йил учун 12,5 минг сўмлик нашрларга обуна бўлишган. Аҳоли ўртасида 21 агитатор, 12 сиёсий ахборотчи, 48 сиёсий ташкилотчи, 13 пропагандист илмий-атеистик темаларда суҳбатлар олиб бормоқда.

Атеистик тарбияда самарадорликка эришиш учун кўп иш қилиш керак. Баъзан биз газета ва журналларда «Омма ўртасида унча лекция ўқилди, бунча лекция ўқилди», деган гапларни учратиб қоламиз. Ўзимиз ҳам саволларга ана шу тариқа жавоб берамиз. Демоқчиманки, ўқилаётган лекция-суҳбатлар сони билан атеистик тарбиянинг самарадорлигини белгилаб бўлмайди.

Атеистик тарбия мавсумий иш эмас, доимий ва ижодий иш бўлиши керак. Биз эскилик сарқитларига қарши кураш олиб борар эканмиз, қуруқ насиҳатгўйлик билан иш битмайди. Одамларни фактлар, ҳаётий мисоллар билан тарбиялаш керак. Ана шунда атеистик тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Атеистик тарбия, эскилик сарқитларига қарши кураш — барча нинг иши. Бунда мактаб ва бошқа жамоат ташкилотларининг ўрни катта.

Ҳар бир хўжаликда малакали атеист-кадрларни тарбиялаш ва улардан рационал фойдаланиш яхши йўлга қўйилиши лозим. Ёш лектор, атеистларни турли хил материаллар билан етарли таъминлаш керак. Ана шундагина атеистик пропаганда янада яхши йўлга қўйилишига эришган бўламиз.

Ж. ТУРСУНОВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

УЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН.

АЛАНГАЛИ ЙИЛЛАР

Газета ва журналларда Ҳ. Ш. Шубҳасиз, у кезларда маълумотим етарли эмас эди. Шунинг учун ҳам, Жиззах уезд партия комитети мени Тошкентга Наримонов номли педагогика техникумига ўқишга юборди.

Техникумда 300 га яқин талаба бўлиб ундан 6 киши комсомол аъзоси эди. Езувчи Ойбек, Т. Аъламов, М. Ҳакимов, М. Расулов, З. Ҳамидов ва мен билим юртида катта тарғибот-ташвиқот ишларини юритиб, ўқувчиларни ўз ортимиздан олиб боришга интилардик. Қизғин баҳслар, идеологик кураш воқеалари кечагидек ёдимда.

Техникум маъмурияти ва ўқитувчилари орасида бирор КПСС аъзоси йўқ эди. Ўқитувчиларнинг асосий қисми диний дунёқарашдаги ва миллатчи кишилар бўлиб, ҳар бир имкониятдан ўз мақсадларида фойдаланишга, ёшларни Совет ҳукуматига қарши руҳда тарбиялашга интилишарди. Бу эса биз, яъни комсомоллар зиммасига катта масъулият юклар, кўпроқ мустақил ўқиш, бўлаётган воқеаларни чуқурроқ таҳлил қилишга ундарди.

Айни шу кунларда техникумда комсомол ячейкасини ташкил этиш ниятида юргандик. Бу масалалар билим юртида катта шов-шувнинг кўтарилишига сабаб бўлди.

Комсомоллар эса ҳар қандай қийинчиликдан қўрқмай кураш олиб боришди. Биз Тошкент комсомол окружкомининг котиби Комилжон Алимовга мурожаат этдик. У ўша заҳотиёқ фаэтонга бизни ҳам ўтқазиб, техникумга етиб келди ва ўнлаб ҳали-ҳали ёдимда. Ушанда маърузасининг охирида аксилинқилобчилар тутган йўлни қаттиқ қоралаб шундай деганди: «Биз ҳам ўқиймиз, ҳам снёсат билан шуғулланамиз».

Инқилоб душманлари техникумдан ҳайдалди. Турли хил сиёсий тўгараклар ташкил этдик. Рус тилини ўрганиш секцияси тузилди. Деворий газета билим юртининг кўзгусига айланди. Техникум ҳузурида тузилган бадиий ҳаваскорлик ансамбли фақат талабалар учунгина эмас, эски шаҳар аҳолиси учун ҳам революцион руҳдаги спектакллар, концертлар кўрсатарди. Айниқса, «Саводсизликни тугатиш» секцияси аъзолари аҳоли ўртасида катта ишларни бажаришарди.

Мен жанговар йилларни эслар эканман, ўша йилларда комсомол ячейкасининг секретари бўлганим билан фахрланаман. Комсомоллар ишонч билдириб беш бор котибликка қайта сайлашди. Комсомол ячейкаси 1923 йилнинг 10 июнида ташкил этилган эди. Сиёсий-тарбиявий ишларнинг тўғри, изчил олиб борилиши туфайли йил охиригача сафимиз салкам 60 кишига кенгайди.

Комсомол ячейкаси билим юртининг сиёсий — жанговар штабига айланди. Аммо, оғир йиллар эди. Ёт унсурлар таъқиб қилар, қандай йўл билан бўлмасин, ишимизга ҳалал беришга интиларди. Лекин, комсомолларни ҳар қандай даҳдаға ,ўлим ҳам чекинтира олмаслар иштирокида катта йиғилиш ўтказди.

Комилжон Алимовнинг жўшқин нутқи ҳали-ҳали ёдимда. Ушанда маърузасининг охирида аксилинқилобчилар тутган йўлни қаттиқ қоралаб шундай деганди: «Биз ҳам ўқиймиз, ҳам снёсат билан шуғулланамиз».

Инқилоб душманлари техникумдан ҳайдалди. Турли хил сиёсий тўгараклар ташкил этдик. Рус тилини ўрганиш секцияси тузилди. Деворий газета билим юртининг кўзгусига айланди. Техникум ҳузурида тузилган бадиий ҳаваскорлик ансамбли фақат талабалар учунгина эмас, эски шаҳар аҳолиси учун ҳам революцион руҳдаги спектакллар, концертлар кўрсатарди. Айниқса, «Саводсизликни тугатиш» секцияси аъзолари аҳоли ўртасида катта ишларни бажаришарди.

Мен жанговар йилларни эслар эканман, ўша йилларда комсомол ячейкасининг секретари бўлганим билан фахрланаман. Комсомоллар ишонч билдириб беш бор котибликка қайта сайлашди. Комсомол ячейкаси 1923 йилнинг 10 июнида ташкил этилган эди. Сиёсий-тарбиявий ишларнинг тўғри, изчил олиб борилиши туфайли йил охиригача сафимиз салкам 60 кишига кенгайди.

Комсомол ячейкаси билим юртининг сиёсий — жанговар штабига айланди. Аммо, оғир йиллар эди. Ёт унсурлар таъқиб қилар, қандай йўл билан бўлмасин, ишимизга ҳалал беришга интиларди. Лекин, комсомолларни ҳар қандай даҳдаға ,ўлим ҳам чекинтира олмаслар ишларини ошириш, коммунистларнинг активлигини кучайтиришга боғлиқдир.

Қуйида айрим бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг шу муносабат билан ёзган мактубларини эълон қиламиз.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Колхозимиз партия ташкилоти ҳисобида 113 коммунист бор. Уларни 7 цех партия ташкилоти ўз сафига бирлаштирган. Коммунистларнинг аксарияти бевосита моддий бойлик яратиш билан банддирлар. Улардан 11 киши пахтачилик бригадаларига бошчилик қилади, 50 киши эса механизатор.

Биз ўз фаолиятимизда коммунистларга топширилган иш учун масъулият ҳиссини тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ёш коммунист Файзинисо Қўзиева икки йилдан буён колхознинг комплекс механизациялашган бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. У меҳнатда, интизомда, жамоат ишларида ўрнак бўлмоқда. Утган йили 200 тонна пахта терди.

Файзинисо 1-участка цех партия ташкилотчининг секретари сифатида ҳам деҳқонлар ўртасида ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда.

Шунингдек, коммунистлардан Эгамқул Назаров, Анорбой Қурбонбоев ўртоқлар бошлиқ бригада коллективлари ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Коммунист Қўшбоқ Эгамбердиев колхоз ишлаб чиқаришининг актив ташкилотчиларидан. У қарийб 10 йилдан бери пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эгамбердиевни ҳамқишлоқлари донгдор, ташаббускор коммунист сифатида ҳурмат қиладилар.

Биз ана шу сингари илғор коммунистларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга, уларнинг мисолида одамларни тарбиялашга аҳамият бермоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг «Тамбов область партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи» тўғрисидаги қарорида ғоят муҳим масала кўтариб чиқилди. Очиғини айтганда, бизда ҳам кўп ҳолларда йиғилишлар «силлиқ» ўтади. Докладчидан сўнг доимо уч-тўрт нотиқ сўзга чиқади. Улар ўз ишлари ҳақида сўзлаб, минбардан тушиб кетардилар.

Мажлисларда ҳар бир коммунистнинг ўз бурчига қандай муносабатда бўлаётганлигини, топшириқни қандай бажараётганлигини атрофлича таҳлил этиш керак. Ана шунда уларда масъулият ҳисси кучаяди. Биз бундан буён партия мажлисларини тайёрлашга ижобий муносабатда бўламиз. Мажлиснинг қизғин ўтиши кўп жиҳатдан докладга боғлиқ. Агар доклад танқид ва ўз-ўзини танқид асосида тузилган бўлса, у қизғин муноза ранинг бошланишига сабабчи бўлади. Бунинг учун эса докладни активларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш лозим.

Биз бу йил ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганмиз. Ҳар бир деҳқон ҳар бир касб эгаси, ҳар бир коммунист масъулиятни тўла ҳис қилган тақдирдагина бу вазифани бажариши мумкин.

П. РИСБОЕВ,
Бекобод районидаги «Победа» колхози партия ташкилотининг секретари.

АТЕИСТИК ТАРБИЯНИНГ САМАРАДОРЛИҒИ УЧУН

Коммунистик жамият қуришнинг асосий вазифаларидан бири меҳнаткаш халқ оммасини юксак ғоявийлик, онглилик, халқ ишига садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир. Бунда атеистик тарбия алоҳида аҳамият касб этади. Партия ташкилотимиз қошида илмий атеизмни пропаганда қилувчи методик совет тузилган. Советга малакали ўқитувчилар, партия, совет касаба союз, комсомол ходимлари уюшган. «Билим» жамияти бошланғич ташкилотига 19 лектор аъзо.

Колхоз территориясида 546 хонадон бор. Ҳар бир хонадонда телевизор, радио мавжуд. Колхозчилар 1975 йил учун 12,5 минг сўмлик нашрларга обуна бўлишган. Аҳоли ўртасида 21 агитатор, 12 сиёсий ахборотчи, 48 сиёсий ташкилотчи, 13 пропагандист илмий-атеистик темаларда суҳбатлар олиб бормоқда.

Атеистик тарбияда самарадорликка эришиш учун кўп иш қилиш керак. Баъзан биз газета ва журналларда «Омма ўртасида унча лекция ўқилди, бунча лекция ўқилди», деган гапларни учратиб қоламиз. Ўзимиз ҳам саволларга ана шу тариқа жавоб берамиз. Демоқчиманки, ўқилаётган лекция-суҳбатлар сони билан атеистик тарбиянинг самарадорлигини белгилаб бўлмайди.

Атеистик тарбия мавсумий иш эмас, доимий ва ижодий иш бўлиши керак. Биз эскилик сарқитларига қарши кураш олиб борар эканмиз, қуруқ насиҳатгўйлик билан иш битмайди. Одамларни фактлар, ҳаётий мисоллар билан тарбиялаш керак. Ана шунда атеистик тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Атеистик тарбия, эскилик сарқитларига қарши кураш — барча нинг иши. Бунда мактаб ва бошқа жамоат ташкилотларининг ўрни катта.

Ҳар бир хўжаликда малакали атеист-кадрларни тарбиялаш ва улардан рационал фойдаланиш яхши йўлга қўйилиши лозим. Ёш лектор, атеистларни турли хил материаллар билан етарли таъминлаш керак. Ана шундагина атеистик пропаганда янада яхши йўлга қўйилишига эришган бўламиз.

Ж. ТУРСУНОВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

ЭФИРДА — БАМ БУНЁДКОРЛАРИ

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

БАМ. Шижоаткор давримизнинг биографияси ёзилаётган бу улкан қурилишда ўзбек йигит-қизларининг ҳам номи қолади. «Ёшлик» радиостанциясининг 20-май куни эшиттирилган «Сенинг замондошинг» программасида ҳудди ана шу ўтюрак ўзбекистонлик ёшлар ҳақида сўз юритилди. БАМ трассасида ишлаётган ҳамшаҳарларимиз Анвар Ботиров, Даврон Еқубов, Тоҳир Дадабоев, Нельсон Мартиросян ўз юртдошларига бу ернинг романтикаси ҳақида, ўзига хос қийинчиликлар ҳақида, шунингдек қардош республикалар йигит-қизлари қўлин-қўлга бериб бу қийинчиликларни енгиб ўтаётганликлари ҳақида гапириб бердилар.

Эшиттириш сўнггида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари У. А. Сайдаматов БАМ қурилишида иштирок этаётган республикамиз йигит-қизларини Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги билан табриклади. Байкал-Амур Магистрали ҳақидаги программани тингловчилар зўр мамнуният ва қизиқиш билан кутиб олдилар.

Редакция бу программасини республикамиздан қурувчи-ёшлар отрядини қузатиб борган журналист, ТошДУ журналистика факультетининг ўқитувчиси С. Умиров билан ҳамкорликда уюштирган.

Ўйлаймизки, «Ёшлик» радиостанцияси бундан кейин ҳам ана шундай мароқли эшиттиришлар билан ўз тингловчиларини хурсанд қилаверади.

ДОИМИЙ КЎРГАЗМА

Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг КПСС тарихи кафедраси қошида «Халқ уруши — муқаддас уруш» номли доимий хужжатли фото кўргазма очилди. Фотокўргазма 5 бўлимдан иборат бўлиб, алоҳида хонага жойлаштирилгандир.

Махсус бўлимлар Улуғ Ватан уруши йилларида Қуролли Кучларимиз кўрсатган катта жасорат тўғрисида ҳикоя қиладилар. Доимий кўргазмада ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлувчи экспонатлар жуда кўп.

Кўргазмани ташкил қилишда институт КПСС тарихи кафедрасининг кабинет мудири А. Чарний айниқса, фаоллик кўрсатди.

САҲОВАТЛИ ДАЛАЛАР

Қуёш заррин сепини яшил далаларга ёйганда ажойиб манзара намоён бўлади. Қийғос гулга кирган бодринг пайкаллари, бўлиқ карамзорлар яна ҳам яшнаб кетади.

Эгатлардан жилдираб оқаётган сув, ўқариқ бошида экинзорга меҳр билан тикилиб турган сувчи юзида нур акси жилоланади. Мовий боғлар, серҳосил сабзавот далаларида меҳнат авжига чиқади.

Ленин номли колхознинг сабзавот далалари, боғлари шаҳарга туташиб кетган. Далалардан нознеъмат юклаган машиналар тўғри шаҳар меҳнаткашлари ҳузурига йўл олади. Ҳозиргина теппицадан узилган бодринг, помидор, пайкаллардан келтирилган карам, редиска, кўк пиёз дастурхонни безайди.

Тажрибали сабзавоткор Тўра Йўлдошев бошлиқ бригадада дала ишлари намунали ташкил этилган. Бу ерда плёнка тагига экилган бодринг ҳосили шигил бўлиб етилмоқда. Редиска топшириш плани эса ошириб бажарилди. Кўкпиёз ва бошқа резовор кўкатлар топшириш қизғин олиб борилаётир. Ўртаги ва кечки экинларни экиш, ишлов бериш, суғориш агротехника муддатларида ўтказилмоқда.

— Бу йил баҳорда ёмғирнинг кам бўлиши сабзавот экинлари ривожига жиддий таъсир кўрсатди, — дейди бригада бошлиғи. — Шунинг учун ҳам баъзи сабзавот экинларини суғоришда сунъий ёмғир ёғдириш қурилмасидан фойдаланяпмиз. Масалан, карам ана шундай суғорилганда эрта етилади ва серҳосил бўлади. Биз суғоришни ўз вақтида механизация ёрдамида бажараётганимиз сабабли бу йил маҳсулот топширишга ўн кун олдин киришдик.

Хўжаликнинг кўпгина бригада далаларида экинларни парваришлаш, суғориш ишлари илғорлар тажрибаси асосида олиб борилмоқда. Бу йил 500 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан планда белгиланган 160 центнер ўрнига 250 центнердан маҳсулот етиштиришга сўз берилган.

Бригадаларни ихтисослаштириш катта самара бермоқда. Абдулла Эргашев бошлиқ бригада картошка етиштиришга ихтисослашган. Улар ҳар гектар ердан 200 центнердан картошка етиштиришни мўлжалламоқдалар. Бундан ташқари, меҳнаткашларни эртаги карам, редиска, кўкпиёз билан таъминлаш соҳасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шу кунларда эртаги карам топшириш қизғин давом эттириляпти. Карамдан мўл ҳосил етиштириш ҳисобига ҳар гектар ердан кўпроқ фойда олинмоқда. Хўжалик 1 гектар майдондаги карамдан 6,5 минг сўм даромад олаётган бўлса, бунинг 4 минг сўми соф фойдадир.

Айниқса, карамни плёнка тагида етиштириш соҳасида катта тажриба тўпланган. Бу йил хўжаликда 8 гектар майдонда полиэтилен плёнкалари тагида карам етиштирилиб, 20 тоннадан ҳосил олинди. Шу кунгача 34 тоннадан ортиқ карам топширилди. Йил охиригача планда белгиланган 1100 тонна ўрнига 2 минг тоннадан ортиқ карам сотилади. Эртаги сабзавот етиштириш ана шундай намунали ташкил этилаётганлиги сабабли хўжаликка катта даромад келмоқда.

Шунингдек, колхозда йирик теплица хўжалиги ташкил этилган. Бу ерда цитрус ўсимликлари ўстириш яхши йўлга қўйилган. Шу йилнинг ўзида теплица хўжалиги коллективи 120 минг дона лимон етказиб беришга эришди. Фақат лимон етиштиришдан хўжаликка 47 минг сўм соф фойда келди. Теплица қурилиши давом эттирилаяпти. Йил охирига бориб яна ўн гектар майдондаги теплица ишга тушади. Янги теплица ишга тушгандан сўнг ҳар йили хўжалик қўшимча 1,5 миллион сўм даромад қилади. Маҳсулот етиштириш кескин ортади. Бу йил теплицадан 180 тонна маҳсулот олинган бўлса, келгуси йилда 1000 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириш планлаштирилмоқда.

Хўжаликда ички имкониятларни қидириб топиш ва ишга туширишда соҳасида ҳам қатор тадбирлар белгиланмоқда. Олдиндаги сабзавот маҳсулотларининг бир қисми ўз вақтида топширилмаслик натижасида нобуд бўлар эди. Колхоз раҳбарлари ва мутахассислари ортиқча маҳсулотни қайта ишлаш цехи қуришга қарор қилдилар. Бу йилги мавсумда ана шу цех тўла қувват билан ишлайди. Сабзавот маҳсулотларини консерва қилиш йўлга қўйилади. Шу йилнинг ўзида консерва цехидан хўжаликка 57 минг сўмдан ортиқ даромад келади.

— Колхозимизда сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик билан бир қаторда пиллачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда, — дейди колхоз раиси Меҳмонхўжа Рашидов. — Йилдан-йилга давлатга кўпроқ «кумуш тола» етказиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Бу йил 420 қути қурт уруғидан планда белгиланган 23 тонна ўрнига 31,5 тонна пилла топширамиз.

Пиллакорлар ўтган йилда ҳам яхши натижаларни қўлга киритган эдилар. Ҳар қути қурт уруғидан 72 килограммдан пилла топширилди. Ҳалима Назарова, Зарифа Маганова каби уста пиллакорлар ҳар қути қурт уруғидан 100—110 килограммдан пилла теришга олдилар. Улар бу йил ҳар қути қурт уруғидан пландагига нисбатан 20—30 килограмм кўп пилла олиш учун курашмоқдалар.

Пилла қуртларини парваришлаш ишлари қизғин бораётган шу кунларда хўжаликда янги автоматлашган қуртхона синаб кўрилмоқда. Қуртхонада иссиқлик, намлик сақлаш тўла автоматлаштирилган. Ҳавони алмаштириш учун вентеляция ўрнатилган. Электр печка эса хонани иситиш учун мўлжалланган. Янги қуртхонада бир йўла 10 қути қурт уруғи парваришлаш мумкин.

Саҳоватли далаларда миришкорлар бугун кечагидан эрта-бугунгидан самаралироқ меҳнат қилмоқдалар. Колхоз далаларидан ҳар куни шаҳарга 80—100 тонна сабзавот жўнатилмоқда. Сабзавоткорлар мўл-кўлчилик, тўкинчилик яратиш йўлида бутун кучғайратларини сафарбар этмоқдалар. Ҳамма бир бўлиб беш йиллиқнинг сўнгги йили план ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

З. МУХАММАДЖОНОВ,
Н. ТЎРАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.
Орджоникидзе райони.

Суратларда: (юқорида) илғор бригада бошлиғи Т. Йўлдошев. (Ўртада ўнгдан) колхоз раиси М. Рашидов, механизатор Ҳ. Рахимов, участка бошлиғи Ҳ. Абдулқосимов ўртоқлар (Пастда) бу йил ёғингарчилик кам бўлганлиги сабабли колхоз далаларида экинларни сунъий ёмғир ёғдириб суғорилмоқда.

Н. Тўраев фотолари.

ЯНГИ ДАРСЛИК

Кейинги йилларда олий ўқув юртлари студентлари учун кўпгина дарслик ва қўлланмалар босилиб чиқди. Бўлажак кимёгарлар ҳам бундай адабиётлардан баҳраманд бўлдилар. Тошкент Давлат университети анорганик химия кафедрасининг мудири профессор Ҳ. Р. Раҳимов томонидан ёзилган «Анорганик химия» дарслиги бу китоблар орасида ўзининг салмоқдорлиги билан ажралиб туради.

Шу вақтга қадар олий ўқув юртлари учун асосий қўлланма сифатида профессор Б. Некрасовнинг монография ва дарслигидан фойдаланиб келинарди. Мана эн диликда маҳаллий мисоллар билан бойитилган яна бир дарслик сифатида профессор Ҳ. Р. Раҳимовнинг ушбу китоби пайдо бўлди.

Дарслик «Ўқитувчи» нашриёти томонидан яқинда чоп этилди. Китоб техник олий ўқув юртлари студентлари учун ҳам фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Дарслик икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда анорганик химия фанининг назарий маълумотлари ўз ифодасини топган. Анорганик химиянинг амалий томонлари эса китобнинг иккинчи қисмида баён қилинган.

Муаллиф Д. И. Менделеевнинг элементлар даврий системасидаги айрим группаларга характеристика беришда атом тузилиши, ион радиуслари ва ион зарядлари асосида элементлар бирикмаларининг хоссаларини таққослашга эътибор берган. Бу эса унинг илмий ва амалий аҳамиятини янада оширган.

Дарсликда химия фани асосларини эгаллашга тегишли ҳозирги замон тушинча ва назариялари жуда равон тил билан баён қилинганлиги яққол кўзга ташланади. Бунда, шубҳасиз олимнинг бой методик маҳорати иш берганини айтиб ўтиш керак. Химиявий боғланиш (VI боб), оксидланиш-қайтарилиш реакциялари (XI боб), комплекс бирикмалар (XII боб), металлар (XIII боб) ва ниҳоят химиявий элементларнинг ёритилиши қизиқарли ва мазмунли чиққан.

Шу билан бирга китобда айрим камчиликлар ҳам бор. Муаллиф металлар ҳоссаларини алоҳида (XIII боб) кўришишда ёритиб жуда яхши иш қилган. Бироқ, унинг давомида металл эмаслар хоссалари ҳам ёритилиши лозим эди. Бу, моддаларнинг фаркини чиқиштириб, ўзлаштиришга қулайлик яратган бўлур эди. Ваҳоланки, шундай бўлиб чиқмаган.

Элементларнинг хоссалари ҳар томонлама тушинарли ва мукаммал ёритилгани ҳолда баъзи элементларга оид материаллар етарли эмас. Масалан, I-группадан франций, V-группадан сурьма ва висмут, VII-группадан астат элементларига оид маълумотлар китобда берилмаган. Даврий қонун ва даврий системага тегишли маълумотларни ҳам бойитиш керак эди.

Дарсликнинг назарий қисми ва программа асосий материалларининг кўпи майда ҳарфларда терилган. Бу ҳам китобнинг қиймати бироз путур етказган.

Дарсликнинг қайта нашрида муаллиф бу мулоҳазаларни инобатга олади, деган ниятдамиз.

Ш. ИСҲОҚОВ,
И. ҲАКИМОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг доцентлари.

ВАЪДАГА ВАФОДОРЛАР

3-тикувчилик фабрикаси республикамиз пойтахтидаги пешқадам корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг меҳнатсевар коллективи зиммасига юклатилган вазифаларни доим муваффақиятли бажармоқда. Давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини адо этишда яхши кўрсаткичларга эришяпти. КПССнинг навбатдаги XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олиш йўлида фидокорона ишлаётган тикувчилар бу йил эл-юрт олдида берган ваъдаларининг уддасидан муваффақиятли чиқишяпти. Чеварларнинг ўтган тўрт ой давомидаги меҳнатлари натижаси шундан далолат беради. Шу вақт ичида пландагидан ташқари 400 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди.

Коллектив ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга ҳам катта эътибор бермоқда. Шу мақсадда қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди.

Натижада сифати юқори бўлган кийим-кечаклар тайёрлаш қўпаймоқда. Фақатгина ўтган тўрт ойда юксак сифатли либослардан тапшириқдагига қўшимча 362 минг сўмлик тикилди. Фабрика цехларида материаллар ва хом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан бошланган кураш тобора қизғин тус олмоқда. Бу соҳада яхши натижаларга эришган ишчилар ҳар томонлама моддий ва маънавий рағбатлантириляпти. Шунинг учун ҳам тўрт ой мобайнида 8 минг квадрат метр ҳажмидаги газлама иқтисод қилинди. Бу материаллардан 4 минг дона кийим-кечак тайёрлаш мумкин.

ҲУРМАТГА САЗОВОР

Германия фашистлари Ватанимизга хоинона бостириб кирганида, Мараш Қолдибоева эндигина 15 ёшга кирган шўх, қувноқ қиз эди. Ўқишни вақтинча қолдириб, далага ишга чиқиб кетди. Қандай иш бўлса, ҳаммасини бажарди. Кечаларни бедор ўтказиб, ғўзага сув қўйди, чопиқ қилди, пахта терди.

Кўкламда эса 1,5—2 қутидан ипак қуртини меҳр билан парваришлаб, ҳар йили пилла тайёрлаш планини ортиғи билан бажарарди. Ниҳоят, уруш ғалаба билан якунланди. Қишлоқчиликлар ортда қолди... Ишлар юришиб кетди. Кўпчилик қаторга Мараш ҳам коллектив дарёсида бир томчи бўлиб, тинч меҳнат оғушига сингиб кетди.

Шунга ҳам мана 30 йилдан ошди. Умумхалқ манфаати йўлида жон қуйдириб қилган меҳнати билан Мараш колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлди. КПСС сафига қабул қилинди. Қишлоқда пиллачиликни ривожлантиришдаги яхши хизматлари учун ҳукуматнинг юксак мукофотига сазовор бўлди. Унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени безади. Мараш 1,5 қутн ипак қуртидан 180 килограмм пилла ҳосили етиштирди. 1972 йили ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти ва пилла етиштиришдаги улкан ютуқлари эвазига Ватанимизнинг олий мукофоти Ленин ордени билан тақдирланди. Бир неча марта қишлоқ Советига депутат бўлди. Халқ ишончини қозонган бу аёл 1972 йилдан бери район Советининг депутатидир. Унинг депутатлик фаолияти даврида «Оқ олтин» қишлоғида саккиз йиллик мактаб биноси қурилиб, ишга туширилди. Кўпчилик хонадонлар газлаштирилди.

35 йилдирки у бетиним меҳнатда. Шу билан бирга жонкуяр аямиз қаҳрамон она ҳамдир. Мараш ая 11 фарзандини воғга етказиб, тарбиялямоқда. Ўнлаб невара-чеваралари бор. Шунга қарамай, у ҳануз далада. Болалари, ёш деҳқонлар: «Ёшингиз ҳам эллиққа борибқолибди, ўзингиз «Қаҳрамон она» бўлсангиз, ҳамма нарса етарли, сизни ишлашга нима мажбур қиляпти», — дейишса, онахон миғ-ғиғ кулиб:

— Болаларим, кўпдан бери далада юрганимданми, ҳайтовур ҳеч уйда ўтиролмайман. Агар бир кун ишдан қолсам, зерикиб, сиқилиб кетаман. Мен қадрдон даламга ўрганиб қолганман, — дейди.

Бу сўзлар ёшлар кучига куч қўшиб, улар ҳам онахон каби меҳнатсевар бўлишга интилишмоқда. Мараш ая Свердлов номли колхознинг Ғулом Иброҳимов бошлиқ 4-бригадасида ишлайди. Онахоннинг бу йилги режалари ҳам юксак. Ҳалқаро хотин-қизлар йилида у 2 қути ипак қурти боқиб, давлатга 200 килограмм пилла етиштириш учун курашмоқда.

Б. БАҲРОМОВ.
Ўрта Чирчиқ райони.

Жаҳон янгиликлари

А. А. ГРОМИКО БИЛАН Г. КИССИНЖЕРНИНГ УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА

ВЕНА, 20 май. (ТАСС). А. А. Громико билан Г. Киссинжернинг учрашуви тўғрисида қўшма ахборот эълон қилинди. Ахборотда бундай дейилади:

«Ўзаро келишиб олинганига мувофиқ, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико билан АҚШ давлат секретари, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Г. Киссинжер 19—20 майда Венада учрашдилар.

Ҳар иккала мамлакат халқларининг ва тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларни кўзлаб Совет-Америка муносабатларини янада яхшилаш ва ривожлантириш йўлига ҳар иккала томон бундан буён ҳам қатъият билан амал қилишга қаттиқ аҳд қилганлиги яқдиллик билан таъкидлаб ўтилди.

СССР билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама муносабатларга оид масалалар, шу жумладан стратегик ҳужум қуролларини янада чеклашга доир масалалар хусусида фикрлашиб олинди. Ҳар икки томонни қизиқтирувчи бир қанча халқаро проблемалар: Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш ишидаги силжиш, Яқин Шарқдаги можарони адолатли тарзда ва мустаҳкам тинч йўл билан бартараф этишнинг аҳволи шу жумладан Женева сулҳ конференцияси ишини яна бошлаб юбориш масаласи ва баъзи бошқа масалалар муҳокама қилинди. Томонлар шу масалаларни муҳокама қилишда Москвада, Вашингтонда ҳамда Владивостокда олий даражада бўлиб ўтган Совет-Америка учрашувлари натижасида эришилган битимлар ва келишувларни назарда тутдилар.

Конструктив руҳда ўтган суҳбатлар ҳар икки томоннинг фикрича фойдали бўлди».

ДЎСТЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

БИСАУ, 20 май. (ТАСС). Бу ерда Совет Иттифоқи билан Гвинея-Бисау Республикаси ўртасида 1975 йилда маданий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги протоколни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Ҳар икки мамлакат ўртасида фан ва маданият соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида илгари тузилган битимга биноан имзоланган бу прэтоколда Совет Иттифоқидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган гвинеялик студентларга стипендия тўлаш, маданият, санъат ва адабиёт арбоблари, хотин-қизлар ва ёшлар делегацияларини бир-бирларига юбориб туриш, радио программаларни айирбошлаш кўзда тутилади. Протоколга биноан Гвинея-Бисауда Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 30 йиллигига бағишланиб, совет кинофильмлари ҳафтаси ўтказилади ва виставка очилади.

Протоколни Гвинея-Бисау Республикаси ҳукумати номидан маориф ва маданият масалалари билан шуғулланувчи бош давлат комиссарининг ёрдамчиси Марио Кабрал, Совет ҳукумати номидан СССРнинг Гвинея-Бисау Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. М. Семёнов имзоладилар.

ЁШЛАР УЧРАШУВИ

ПАРИЖ, 20 май. (ТАСС мухбири). Совет ва француз ёшларининг Эн департаментидаги Невил шаҳрида бошланган саккизинчи учрашуви уч кун давом этди.

«Франция-СССР» ва «СССР-Франция» жамиятларининг ёшлар комиссиялари ташкил этадиган бундай учрашувлар яхши анъана бўлиб қолди. Бу учрашувлар ёш авлод вакилларига ёшларни қизиқтирувчи проблемаларни муҳокама қилиш, алоқаларни янада кенгайтириш учун конкрет тадбирларни белгилаш имконини беради.

Невилга келган 200 дан ортиқ совет ва француз йигит-қизлари маданий алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Учрашув программасига ёш совет ҳужжатли кино авторлари яратган фильмларни томоша қилиш, атоқли рассом П. Пикассонинг ижоди тўғрисида лекция тинглаш, ёшларнинг фольклор ансамбли концертини кўриш киритилган эди.

Учрашув қатнашчилари қабул қилган якунловчи резолюцияда бу учрашув Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги маданий ҳамкорликни ривожлантириш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлганлиги таъкидлаб ўтилди.

ЛАОСДАГИ ВАЗИЯТ

ВЬЕНТЬЯН, 20 май. (ТАСС). Вьентьян, Луангпрабанг ва бошқа шаҳарларда ҳамда Лаоснинг Вьентьян зонаси районларида мамлакатда демократик ўзгартишлар ўтказиш учун бошланган оммавий ҳаракат давом этмоқда. Бир қанча йирик вилоятларнинг марказларига, шу жумладан Саваннакет, Паксе ва Такек шаҳарларига маҳаллий аҳолининг илтимосига биноан тартиб ўрнатиш ва реакцион унсурларнинг қўпорувчилик планларига қаршилик қилиш учун ватанпарварлик фронтининг ҳарбий қисмлари кирди. Лаоснинг жанубий тинч район деб эълон қилинди, бу ерда Вьентьян зонасининг олти вилояти жойлашган.

Миллий бирлик муваққат ҳукуматининг бош министри Суванна Фума совет мухбирлари билан суҳбатда айтдики, реакцион арбоблар қочиб кетгандан кейин ҳар иккала томоч тинчликни тиклаш ва миллий иноклиқка эришиш тўғрисидаги битимни қатъият билан амалга оширмоқдалар. Бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз умумий сайлов ўтказишдан, умуммиллий доимий ҳукуматни тузишдан, мамлакатни тинч йўл билан бирлаштиришдан иборат, — деди у.

Лаос Миллий бирлик муваққат ҳукумати бу ерда баёнот эълон қилиб, қўшни мамлакатларни «ҳукумат ва армия составида бўлган ҳамда Лаосдан қочган бир ҳовуч шахсларга» сиёсий бошпана беришдан бош тортишга чақирди.

АЗ-ЗАЙЁДНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҚОҲИРА, 20 май. (ТАСС мухбири). КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан халқларга, парламентларга ва ҳукуматларга йўллаган мурожаатномаси зўр тарихий аҳамиятга молик ҳужжатдир, деди Миср-Совет дўстлиги жамиятининг раиси Муҳаммад Абдилсалом Аз-Зайёд.

Бутун дунё парламентлари, ҳукуматлари, сиёсий ва жамоат ташкилотлари, деди Аз-Зайёд ТАСС мухбири билан суҳбатда, кейинги 30 йил мобайнида тинчликсевар кучлар қунт билан олиб бораётган машаққатли курашни акс эттирувчи бу ҳужжатни синчиклаб, чуқур ўрганишлари лозим.

Биз мурожаатда ҳар бир мамлакатнинг ўз табиий ресурсларини ўзи тасарруф этишдан иборат шак-шубҳасиз ҳуқуқига риоя этиш тўғрисида гап борган ўринларга, шунингдек уруш хавфининг мавжуд манбаларини, жумладан уруш хавфининг ана шундай марказларидан бири бўлган Яқин Шарқ танглигини тугатиш зарурлиги таъкидланган моддага қўшилишимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЛОНДОН. Бу ерда Англия билан Куба ўртасида иқтисодий ва саноат соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.

РИМ. Ўтган якшанба Милан яқинидаги саноат шаҳри Сан-Донато-Миланесда қаршилик кўрсатиш ҳаракати курашчилари ёдгорлигининг тантанали очилиш маросими бўлди.

ПХЕНЬЯН. КХДР ва Бирма ҳукуматлари икки мамлакат ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида элчихоналар даражасида ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор қилдилар.

БИСАУ. Гвинея-Бисау республикасида миллий информация агентлиги ташкил этилди.

ДЕҲЛИ. Натурал чарм ва ундан ясалган маҳсулотлар Ҳиндистонга чет эл валютасини келтириш муҳимлиги жиҳатидан учинчи манба бўлиб қолди. (ТАСС,20 май).

ШЕЪР ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

(ШЕЪРЛАРГА ОБЗОР)

Редакциямизга кўпгина ҳаваскорлардан шеър машқлари билан бирга хатлар ҳам келиб туради.

Ҳозир ҳам қўлимизда бир даста хат бор. Ҳаваскорларнинг асосий қисми: «Шеър қандай ёзилади?», «Шеъриятнинг сири нимада?» деган саволлар билан мурожаат этишади ёки ўзларининг ёзган шеърларига маслаҳат беришимизни илтимос қилишади.

Ҳаёт гўзал... Гўзаллик эса, кишини мафтун этади, ширин ҳаёллар оғушига чўмдиради. Ҳаёл юракларда хилма-хил туйғу уйғотади. Туйғулар туғёни дилларни ларзага солиб, фикрларни отишга шайланган камондай таранглаштириб юборади. Шунда киши беихтиёр қуйлагиси, туйғулардан тўлганаётган юрагини бўшатгиси келади. Худди шу ҳол илҳом дақиқаларидан даракдир. Лекин, бу ҳодиса шоирлик истеъдоди бўлмаган кишиларда ҳам рўй бериши турган гап. Истеъдод эгаларида эса, шу уйғонган туйғулар, таранглашган фикрлар тинчлик бермайди, қўлга қалам олишга мажбур этади...

Аммо, қўлга қалам олган билан ҳамма нарса ҳал бўлди, деган гап эмас. Бу шеър ёзишга туртки, холос. Шеър ёзиш учун яна кўп нарса талаб этилади. Биз юқорида илҳом келганда, туйғулар бўлоғи туғёнга келиб, фикрлар отишга чоғланган камондай таранглашади, дедик, Бироқ, камон ёйини беннишон отишдан фойда бўлмаганидек, таранглашган фикрларни ҳам бирор эзгу мақсад сари йўналтирмасдан туриб, мисралар тузишдан ҳеч қандай наф йўқ. Шунинг учун баъзи шоирлар, «Менда бу фикр бундан бир неча ой олдин туғилган эди, мана энди ёздим», дейишади. Бунинг бонси ҳам шунда. Ўша пайтда илҳом келган, фикрлар уйғонган, аммо нишонга ололмаган. Яъни илҳом қўлга қалам тутқазган-у, фикрлар тутқич бермай, ҳар томон сочилиб кетаверган. Кейин фикрларни бир мақсад атрофида тўпланиб тиниқлашган ва аввалги илҳом уйғонган ҳолат қайтадан қўчлироқ юз берган. Натижада янги бир ажойиб шеър яратилган. Албатта, шоир мақсадга ўз фикрларини тўғри йўналтириши, бошқачароқ айтганда, нишонга бехато уриши учун анчагина билим ва тажрибага эга бўлиши зарур.

Хўш, билим ва тажриба тўплаш учун нималар қилмоқ керак? Сўзсиз, изланиш, қунт билан ўтириб ўқиш, тиннмсиз машқ ва меҳнат қилиш машаққатидан қочмаслик лозим. Чунки изланганинг сайин янги-янги фикрлар туғилади, ўқиган сайин онгинг ўсади, билиминг ошади, дунё қарашинг кенгаяди, машқ ва меҳнат қилганинг сайин тажрибанг ортади.

Тўғри, редакцияга келаётган хатларни кўздан кечирар эканмиз, маълум билим ва тажрибасига суяниб, ўзларига ишонч ҳосил қилган ҳаваскор шоирларнинг ҳам шеърларига дуч келамиз. Жумладан, **Оржоникидзе районлик Деҳқон Туроббоевнинг** «Касб», **бекободлик Ҳасан Отақулов** (Дилкаш)нинг «Келди», «Ширмон нон», «Кўш юрак», «Режалар, режалар...», **оққўрғонлик Эгамберди Турсуновнинг** «Олтин қўллар», «Қиш завқи», **тошкентлик Собирулло Салимовнинг** «Дил», **Қуйи Чирчиқ** районлик **Аҳмад Нўлдошевнинг** «Тўртликлар», «Қиш келди», «Севдим, севилдим» каби шеърларида худди шу ҳолни қузатиш мумкин. Бу шеърларда фикрлар бир мақсадга бўйсундирилиб, маълум даражада равонликка ва оҳангдорликка эришилган. Бадиий жиҳатлари ҳали эътиборга сазовор бўлмаса ҳам самимий ёзилганлигини алоҳида ҚҚдириб ўтмоқ керак.

Мана, тағин бир даста шеърлар... Уларнинг муаллифлари асосан, муқаддас Ватан муҳаббатини, мўътабар она мадҳини, гўзал табиат манзараларини, беғубор ёшлик, туйғуларини, ёнқ севги туғёнларини, заҳматкаш деҳқонларимиз меҳнати ва ютуқларини, бу кўҳна олам ҳақидаги ўйларини, халқимизнинг эзгу орзу ва умидларини қаламга олишга, шеърий сатрларга солишга жазм этишган. Танланган мавзу ҳамда кўзланган мақсад ҳаммасида ҳам яхши. Бироқ, уларнинг фикрларида тумтароқлик, мисраларида ғализлик учраб туради. Бунинг бонси билим ва тажрибанинг камлигида.

Қуйидаги шеърга эътибор беринг:

Ҳаётнинг биллурранг мавжида
елиб,
Тўлқиндан-тўлқинга ошиб
солдик йўл.
Узоқ бир соҳилда болалик
қолиб,
Гоҳ маюс талпинар, гоҳ эса
ҳушхол.
Ҳали жуда олис мақсад
манзили,
Юрагим ёнади унинг қасдида.
Айтингиз, келмасин тақдир
ҳазили —
Қошимга бемаҳал ўйин
дастида...

Бу оққўрғонлик Абдусамад Гулбоевнинг «Юрагим ёнади» деган шеъри. Биринчи ўқилишида шеър дурустдай туюлади. Лекин, синчиклаб қаралса, анчагина мантиқий ғализликлар кўзга ташланади. Масалан, биринчи мисрадаги «елиб» сўзи ўша сатрга мос тушмаган. Чунки мавжда сузиш мумкин, қалқиш мумкин, аммо елиш мумкин эмас. Ёки олтинчи мисрадаги «қасдида» сўзини олайлик. Лирик қаҳрамон мақсад манзили сари талпинса-ю, нега унинг юраги яна ўша манзил қасдида ёнади?! Кейинги икки мисра эса лирик қаҳрамонни бутунлай мажруҳ қилиб қўйган. Бундан ташқари унда ҳам «дастида» сўзи ноўрин ишлатилган. Натижада мантиқий ғализликка йўл қўйилган. Агар шу шеър муаллифида етарли даражада билим ва тажриба бўлганида эди, дурустгина шеър чиқар эди. Қўлимизда унинг яна «Боқий умр», «Ватан меҳри», «Баҳор ва диёр» сарлавҳали шеърлари бор. Уларда ҳам шу камчиликлар мавжуд.

Шунингдек, **оққўрғонлик Турсун Маматовнинг** «Икки шеър», **пискентлик Абдумалик Маллахўжаевнинг** «Келин», «Ҳовлимдаги ток», «Шеърий ҳандалар», **чиноэлик Болтабой Давлатовнинг** «Зафар онларида», «Баҳордан йўллайман салом», «Қор билан ўйнайсан ёр», «Лабларим тишлайман...», «Сизга лайлилар», **Хусанжон Хўжмоновнинг** «Она», «Халқимга», **Калинин районлик Ғани Абдуллаевнинг** «Сафлар», «Дербент» ва ёз», «Ер раҳмдил», «Жар», **бўкалик Анвар Қурбоновнинг** «Кўнглим», **Юқори Чирчиқ районлик Тўйчибой Дўсматовнинг** «Саккизлик», «Қувноқ қалалак», «Тўртликлар», «Шакардек сўзларинг», «Асил орзуим...», **ангреслик Шодмон Нуралиевнинг** «Далда», «Кутгил», «Кўзларим», **Тошду студентлари Мақсуд Тошпўлатовнинг** «Шапалоқ», «Қор эриянти», **Маҳмуд Мардиевнинг** «Армон», «Одамлар бор», **О. Умаровнинг** «Полапон» **бекободлик Абдуҳад Ражабовнинг** «Гўзалга», «Кел», «Согиндим баҳор», «Онамга», «Ҳаёт денгизида», **Аширали Ҳамзаевнинг** «Қишлогимга», «Тўртликлар», «Баҳор кириб келди ўлкамга», **тўйтепалик Ҳамид Норқуловнинг** «Ёмғирга ҳавас», «Хазина», «Тўртликлар», **Ўрта Чирчиқ районлик Пўлат Тожиевнинг** «Гулларга ошиқ» шеърлари хусусида ҳам юқоридаги фикримизни такрорлашимиз мумкин.

Баъзи ҳаваскорларнинг шеърларида интилиш борлиги, бироқ шеърият қонун-қоидаларини тўлиқ ўзлаштириб ололмаганликлари сезилиб туради. **Бўстонлиқлик** Ғафуржон Сироҳовнинг «Ёшлик», «Устозларим», «Ўзбекистон — обод бўстоним», **бекободлик Рўзиқул Эсоновнинг** «Сальвадор Альендега», **оққўрғонлик Усмон Мусоқовнинг** «Тўртликлар», **оржоникидзе районлик Соҳиб Иршод** (Ш. Тиллаев)нинг «Она», «Дўстлар», **тошкентлик Сайдали Бобомуродовнинг** «Бўлади» каби машқий шеърларида худди шу ҳолни қузатиш мумкин. Уларга маслаҳатимиз шуки, шеърият техникасини пухта ўрганиб, ўз фикр ва туйғуларини оргинал образлилик, бадиий гўзал мисралар орқали ифодалашга ҳаракат қилишлари, ҳар бир шеърда янги, «теша тегмаган» гап айтишга интилишлари зарур. Бундан ташқари сўз устида ишлашга, ёзаётган сўзини хис қилишга одатланишлари даркор.

Редакциямизга келаётган хатлар ичида **тошкентлик Шаҳобиддин Иброҳимовнинг** «Тўртлик», «Кўнгил берма...», «Қолгай мудим аламларга», «Сен эрсанг», **Қурбон Суюновнинг** «Нур», **олмалиқлик Қаршибой Норинбоевнинг** «Она ер», **солдат Содиқ Усмоновнинг** «Севгилимга хат», «Онажон», **бўкалик Комил Нўлдошевнинг** «Устозим», «Қизлар», **Ўрта Чирчиқ районлик Бурхон Баҳрамовнинг** «Табрик», **чирчиқлик Нурқобил Шариповнинг** «Дилбаргинамсиз», **чимкентлик Саидмамад Обидовнинг** «Ўқитувчим», «Жон севгилим», «Оппоқ дадам», «Она ҳизматига», **товоқсойлик Ю. Мадумаровнинг** «Онажон», «Баҳор сайрига», **янгийўллик Усмонжон Самижоновнинг** «Онажонимга бағишлаб», **оржоникидзе районлик Юсуф Акромхўжаевнинг** «Янги йилга тўёна», **Калинин районлик Нишонбой Шорасуловнинг** «Ёз нафаси» каби шеърий машқлари ҳам борки, улар тўғрисида фикр юритиш қийин. Чунки «шеър»лари шеърият талабларининг ҳеч қайсисига жавоб бермайди.

Умуман, келаётган хатларнинг асосий қисмини интилувчан ёшлар юборяётганлиги, хилма-хил мавзуларга қўл ураётганликлари бизни қувонтиради. Ўйлаймизки, улар ўз устларида қунт билан ишлайди, қаламларини тобора чархлаб боради. Вусиз шеърият чаманига кириб бўлмайди. Зотан, ҳар бир истеъдод эгаси ҳам шаклан, ҳам мазмунан етук шеърлар яратгандагина шеър қандай ёзилишини тўлиқ англаб етади.

Эргаш МУҲАМЕДОВ.

Спорт

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Узбекистон XVII спартакиадаси программасида ўтказилган спорт мусобақалари ниҳоясига етди. Сўнгги кунларда енгил атлетикачилар билан гимнастикачилар, ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Енгил атлетикачилар баҳсида Тошкент шаҳри ва Тошкент области вакиллари айниқса муваффақиятли қатнашдилар. 350 очко тўплаган тошкентликлар биринчи ўринни эгалладилар. Тошкент области вакиллари эса 268 очко билан иккинчи ўринга кўтарилдилар.

Бўлиб ўтган мусобақаларда тошкентлик Сергей Аникин ўз маҳоратини яна бир бор намойиш этди. У 7 метр 78 сантиметр узунликка сакраб, республика рекордини қўйди, СССР спорт мастери нормативини бажарди, ва биринчи ўринни ишғол этди.

Югуриш бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳам тошкентликларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Областимиз вакили Анатолий Кисилев 800 метрлик масофани 1 минут 49,8 секундда босиб ўтиб, республика рекордини ўрнатди. Югуришда қизларимиз ҳам ғолиб чиқдилар. Чирчиқлик Людмила Сторожкова 100 метрлик масофа финишига 11,6 секундда етиб келиб, машҳур спортчи Роза Бабич рекордини такрорлади. 200 метрлик масофани эса 24 секундда босиб ўтиб, мастерлик нормативидан юқори натижани кўрсатди.

«Ёшлик» спорт аренасида бўлиб ўтган спорт гимнастикаси мусобақаларида ҳам пойтахт спортчиларининг қўли баланд келди. Тошкентлик Николай Мохорт ва областимиз вакили Ирина Ижболдина мажбурий ва эркин программаларни юксак маҳорат билан, бажариб, республика чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлдилар.

Республика спартакиадаси якунланди. Энди бутун эътибор СССР халқлари VI спартакиадаси мусобақаларига қаратилган. Республикамиз вакиллари катта спорт даврасида ҳам муваффақиятли қатнашиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мисрлик олимпия чемпиони Иброҳим Мустафо хотирасига бағишлаб классик кураш бўйича ўтказилган турнирда совет полвонлари иккинчи ўринни эгалладилар. Мисрликлар 50 очко тўплаб, турнир ғолиби бўлишди. Совет спортчилари эса ғолиблардан беш очкога орқада қолдилар.

52 килограммгача вазн тоифасида ғолиб чиққан полвонлар орасида ҳамшаҳримиз олимпия ўйинлари чемпиони Рустем Казаков, ватандошларимиз Анатолий Биков, Валерий Резанцев, Жамол Майсурадзе ва Шота Морчиладзелар бор.

ЎРИНБОСАРЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Кеча Марказий «Пахтакор» стадионида Узбекистон ўқувчилари XXIV спартакиадаси байроғи тантанали равишда кўтарилди. Ёш спортчилар икки ҳафта давомида спартакиада чемпиони номини олиш учун ўзаро куч синашадилар. Спартакиада программасига спортнинг 16 тури киритилган. Мусобақалар Тошкент, Чирчиқ, Навоий, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги спорт базаларида давом этади.

Кеча Тошкент спорт базаларида баскетбол, бадиий гимнастика, енгил атлетика, сувга сакраш, қўл тўпи ва қиличбозлик бўйича баҳслар бўлиб ўтди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ОБОД ПОСЁЛКА

Бектемир шаҳарчаси ободонлашиб бораётир. Бу ердаги болалар боғчалари, шифохона, дорихона, алоқа бўлимлари аҳоли хизматида. Шу кеча-кундузда қурилаётган 1100 ўринли мактаб биноси янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Унда физика, химия, биология, ботаника, анатомия ва бошқа бир қанча фан лабораториялари учун алоҳида хоналар ажратилган. Политехника таълимига онд синф хоналари ҳам мавжуд. Қизлар учун бичиш-тикиш тўгараклари ҳам бор.

Пионерлар хонаси, кутубхона ва спорт залларн ҳам ўқувчиларга хизмат қилади.

Ҳозир қурувчилар мактабнинг сўнгги пардозлаш ишларини олиб бораётирлар.

М. ЗАРИПОВ.

«Ёшлик» студиясининг катта режиссёри Э. Султонов «Баҳор, 30 апрель» телеспектаклини саҳналаштирмоқда. Улуғ Ватан урушида эришилган ғалабани мадҳ этувчи бу спектаклда Ҳамза номли театр актёрлари иштирок этишаяпти. Суратда: репетиция пайтида.

С. Маҳкамов фотоси.

Ҳар тўғрида

ТЕСКАРИ УСУЛ

Ўт аввал ўрнлади, кейин қуритилади. Бунинг учун ҳарорат иссиқ, қуруқ бўлиши керак. Аммо, табиат ҳамма вақт ҳам саҳнйлик қилавермайди. Хўш, нима қилиш керак? Аввал ўтни тезроқ қуритиб, кейин ўрилса-чи?

Голландиялик мутахассислар худди шундай қилишди. Улар яратган янги хил машина ердаги ўтни қисқа вақт ичида қуритиб, уни 300 градусдаги буғ воситасида қайта ишлайди. Машина олти метр кенглиқда ўтзорни қамраб, соатига қирқ тонна ўтни тайёрлаб беради.

ШОФЕРЛИККА КИМ ЯРАЙДИ?

Швеция психологлари шундай хулосага келишди: машина рулида ўтирган одам минутига ўрта ҳисобда ўн бешта хилма-хил муаммони ҳал қилади: йўлни қузатиш, тезлик, светофор ва ҳоказолар. Ҳамма ҳал машина ҳайдашга яраймайдиган эканлиги. Масалан, ўзига жуда ишонган одамлар, мақтанчоқлар, таваккалчилар, ўта пессимист ёки ўта оптимистлар ҳамда шахсий ҳаёти тартибсиз кишилар шаферликда тез панд еб қолишлари мумкин.

ЯНГИЧА РЕМОНТ

Агар водопровод қувурининг бирор жойи тешилиб қолса, баъзан бутун сув тармоқларини бирма-бир қараб чиқишга тўғри келади.

ГДРлик мутахассислар бунинг йўлини топдилар. Бунда қувур ичига пластмасса шланг сув юборилади, у металл қувурга маҳкам ёпишади. Тешик қувурдан сув оқиши тўхтаб, уни бемалол ремонт қилиш мумкин бўлади. Бунда ремонт муддати икки баравар қисқариб, эски қувурлар хизмат муддати полимер шланг ёрдамида 50 йилгача узайиши мумкин.

ЛАЗЕРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Венецияда қадимий меъморчилик ва ҳайкалтарошлик обидалари жуда кўп. Вақт ўтиши билан улар ҳаво ифлосланиши оқибатида емирилиб боради.

Яқиндан бошлаб бу обидаларни тозалашда лазер нури қўлланила бошланди. Ёқут лазери нурлари алангаланиб, қадимий биноларга ёпишиб қолган чанг қатламларини бутлатиб юборади. Бунда ҳайкалнинг мармар сиртига зарар етмайди.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-деҳқон мухбирлари университети тингловчиларининг навбатдаги машғулоти 23 май жума куни ўтказилади.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— — МОСКВА. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Қўғирчоқ фильм. 18.00 — Тошкент—Олмаота мусобақаси. 18.30 — Концерт. 19.15 — —**«Ахборот».** 19.30 —Беш йиллик зарбдорлари. 20.00 — Миллионлар лекинча университети. 22.30 — Езувчи ва замон. 21.10 —**«Ахборот».** 21.30 — Ёш ижрочилар концерти. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Тўғон (телеспектакль). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.30 — ТОШКЕНТ. 17.45 — МОСКВА. 18.30 — Санъат усталари — болаларга. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қуёш акси бор. 19.30 —Чет эллик дугоналар ҳаётидан. 20.30 — Концерт. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — Ўзингни синаб кўр. 24.00 — Жаҳон велосипед пойгаси. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Телефильм. 20.20 — Эстрада концерти. 21.00 — Телефильм. 21.45 — Тошкент янгиликлари. 21.40 — Телеспектакль.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22IV да **Травиата**. 23IV да **Севги ва қилич**, 24IV да **Анна Каренина**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22IV да **Комиссия**, 23IV да **Парвона**, 24IV да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22IV да **Олифта**, 23IV да **Хотинимнинг эри**, 24IV да **Сув келтирган азиз**.

КИНО

Очкўзликка қарши маккорлик — САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли, «НУКУС», «ЎЗБЕКИСТОН», ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Софдил; Сўнгги ўқ — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОГИСТОН», «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Катта аттракцион — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Софдил; Сўнгги ўқ — «ФЕСТИВАЛЬ».

«УЗХЛАДОТОРГМОНТАЖ» трестининг

ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РЕМОНТ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ совутиш, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг электр-иссиқлик ва механик ускуналари мутахассисликлари бўйича

КУРСЛАРГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга Тошкент шаҳрида доимий прописканда турувчи, камида 3 разрядли электрик, ичдан ёниш двигателларини тузатиш бўйича 3 разрядли слесарь ихтисосига эга бўлган 20 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Грампластинка кўчаси, 40-уй, Телефонлар: 66-21-31; 66-03-65.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1975 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИ УЧУН МАРКАЗИЙ, РЕСПУБЛИКА, ОБЛАСТЬ, ШАҲАР ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА — «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликларида, алоқа бўлимларида, иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.
Узбекистон ССР Алоқа министрлиги.

ПИОНЕР ЁЗИ БОШЛАНМОҚДА

Ҳадемай ўқувчиларнинг ёзги каникуллари бошланади. Синфдан синфга яхши ва аъло баҳолар билан кўчган ўқувчилар ёзи билан мириқиб ҳордиқ чиқаргани пионер лагерлари, санаторий ва туристик сафарларга отланадилар. Сўлим тоғ бағрлари, ўрмон ва дарё бўйлари пионерлар билан гавжумлашиб кетади.

— Бу йил пионер ва ўқувчиларнинг намунали дам олишлари учун барча шароитлар яратилмоқда, —дейди **область касаба союзлари Совети оммавий-маданий ва спорт бўлимининг инструктори Нина Лопотюк.** — Мактаб ўқувчилари саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг дам олишларини уюштиришга 3 миллион 116 минг сўм ажратилган. Бу маблағ олдинги йилга нисбатан анча кўпдир.

Ажратилган маблағларнинг бир қисмига мавжуд пионер лагерлари ва санаторийлар сифатли ремонтдан чиқарилди. Тоғ ён бағрларида ва дарёларнинг сўлим соҳилларида янгидан бир қатор ороғоҳлар бунёд этилди. «Узбекшахтострой» трести бинокорлари қўли билан тоғ бағрида қурилган янги пионер лагери ҳар сменада 300 ўқувчини ўз бағрига олади. Цемент комбинати маъмуриятн ҳам корхона меҳнаткашларининг фарзандлари учун бу йил янги пионер лагери бунёд этди. Чирчиқ бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати қурган лагер эса Бўстонлик районининг энг гўзал жойларидан бирида бўй ростлади. Янги қурилган пионер лагерларининг атрофлари ободонлаштирилди, ичимлик сувлар билан таъминланди.

Қишлоқ жойларда ҳам пионер лагерлари яратиш ва мавжудларини кенгайтириш ишлари ниҳоясига етди. Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхозда ташкил этилган янги пионер лагерида район мактабларининг ўқувчилари ҳордиқ чиқаришади. Бошқа районлардаги йирик хўжаликларнинг ҳам ўз дам олиш зоналари бор.

Умуман, областда бу йил 84 та пионер лагери ишлайди. Дам олиш уч сменада ташкил этилади. Яқинда пионер лагерлари тарбиячилари ва шифокорларининг область кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгашда 1975 йил ёзида фарзандларимизнинг дам олишини намунали ташкил этиш юзасидан зиммадаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди ва тегишли тадбирлар белгиланди.

Ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш ишига ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. «Дельфин», «Спартак», «Буревестник» деб номланган соғломлаштириш спорт лагерларининг ҳар бири бир сменада 250 ўқувчига хизмат қилади. Областимизнинг хушманзарали жойларида қурилган 8 та санаторий ҳам ўқувчиларни кутмоқда. Бу санаторий ва соғломлаштириш спорт лагерлари етук шифокор мутахассислар билан мустаҳкамланган.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли санаторий ҳар сменада 300 ўқувчига хизмат қилади. Ўтган йили бу ерда 7 мингдан ортиқ ўқувчи саломатлигини мустаҳкамлаган эди. Бу йил санаторий яна ҳам кенгайди, янги медицина препаратлари билан бойиди.

Юқори синф ўқувчилари учун Чимёнда махсус туристик базалар очилган. Бу базаларда ҳар сменада 300 ўқувчи дам олиб, ўлкамизнинг хушманзара жойларига саёҳатлар уюштирадилар.

Ўқувчиларнинг дам олишлари янада мароқли ўтсин, деган ниятда яна бир қатор қўшимча тадбирлар кўрилмоқда. Санъаткорлар, цирк артистлари улар ҳузурига тез-тез меҳмон бўлиб борадилар. Ангрендаги «Строитель» клубида ташкил этилган ёш циркчилар клуби ёз бўйи ўқувчиларга хизмат кўрсатиш репертуар планини тузиб чиқишди. Циркчиларга моҳир санъаткор В. Белкин —Михайлов раҳбарлик қиляпти. 40 кишилик ансамбль шаҳар мактабларининг ўқувчиларидан ташкил топган. Улар жонглёрлик, акробатика, гимнастика машқларини маҳорат билан ижро этмоқдалар. Ёш томошабинлар, қўғирчоқ театрлари ҳам гастролларга ҳозирланмоқдалар.

Ёзги каникул давомида мамлакатимизнинг турли шаҳарларига саёҳатлар ҳам уюштирилади. Саёҳатлар давомида аълочи ўқувчилар Ватанимиз пойтахти Москва, революция бешиги Ленинград, Қора денгиз бўйи шаҳарлари билан танишадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Эълонлар — 338142.

Р—01460. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64634. Б—3479.